СТИЛИСТИК КОНВЕРГЕНЦИЯ
(полисиндетон ва альтернатив сўроқ)

Х.Шодмонов, ФарДУ эркин тадқиқотчиси

Аннотация: *Мақолада поэтик нутқда кенг қўлланувчи икки синтактик-стилистик фигура – полисиндетон ва альтернатив сўроқнинг ўзаро конвергентив муносабатга киришуви натижасида стилистик ўзгаришлар даражасининг ўсиши ҳақида фикр юритилади.*

Калит сўз ва иборалар: *алтернатив сўроқ, полисиндетон – синтактик фигуралар, конвергенция.*

Рус тилшуноси И.П. Москвин конвергенция атамаси остида турли даражадаги синтактик-стилистик воситаларнинг ягона стилистик мақсаднинг юзага чиқиши учун ишлатилиши натижасида юзага келган мураккаб стилистик усулни тушуниш лозимлигини таъкидлайди[1,57]. Кўринадики, синтактик-стилистик воситаларнинг ўзаро биргаликда қўлланиши натижасида улар ўртасида конвергенция юзага келади. Биз мазкур мақолада икки восита – полисиндетон ва альтернатив сўроқнинг биргаликда қўлланиши, яъни конвергенцияси ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Полисиндетон –синтактик фигуралар доирасида ўрганилувчи поэтик ифода воситаларидан бири саналади. Унинг асосий вазифаси поэтик нутқ қисмларини бириктириш, шу билан бирга, нутқнинг ифодалилиги ва таъсирчанлигини оширади, нутқнинг ички ритмини шакллантиради ва оҳангдорлигини таъминлайди. Тилшуносликда бу синтактик фигура жуда кўплаб поэтик тадқиқотлар объекти сифатида ўрганилган. Мазкур синтактик фигуранинг ўрганилиш тарихи қадимги даврларга бориб тақалади. Рус тилшунос олимаси Ф.И. Джубаева берган маълумотларга қараганда, полисиндетон ҳақидаги дастлабки маълумотлар грек файласуфи Аристотель асарларида учрайди. Аристотель синтактик фигураларни “такрорланувчи-кенгайтирувчилар” ва “қисқартирувчилар” каби турларга бўлиб ўрганган ва полисиндетонни “такрорланувчи-кўпайтирувчи” фигуралар қаторига, асиндетонни эса “қисқартирувчи” фигуралар қаторига киритади ва уларни риториканинг асосий объекти сифатида баҳолайди. [2,12] Полисиндетонни ўрганиш мазкур синтактик фигуранинг лингвистик табиати ва услубий функционаллашуви ҳақидаги билимларимизни кенгайтиради. Бунда полисиндетон поэтик нутқнинг парадигматик, синтагматик

ва стилистик фигураси сифатида намоён бўлади. Т.И. Сильманнинг таъкидлашича, “боғловчилар такрорларнинг бир кўриниши бўлиб, уларнинг бир синтактик қурилма таркибида такрорий қўлланилиши етказилаётган ахборотни янги фикрлар билан бойитиш, фикрни изчил ривожлантириш, нутқнинг ўқувчига таъсир қилиш функциясини кучайтириш учун хизмат қилади [3,68]. Бугунги кунда тилшунослик фанининг кейинги йилларда юзага келган лингвокультурология, лингвопоэтика йўналишлари мезонларни нуқтаи назаридан таҳлил этилганда ҳам полисиндетоннинг функционал имкониятлари чексиз, чегарасиз эканлиги ойдинлашади. Бир боғловчининг қайта-қайта қўлланиши билан поэтик нутққа услубий таъсирлилик юкланади. Кўпбоғловчилилик асосида шаклланган синтактик қурилмалар таркибида такрор, параллелизм каби ҳодисалар юзага келади ва улар поэтик нутққда ўзига хос симметрия ҳосил қилади.

Алтернатив сўроқ. Алтернатив сўроқ кўринишларини ҳам семантик фигуралар доирасида ўрганиш мақсадга мувофиқдир. У ҳам бошқа синтактик фигуралар каби поэтик нутқда экспрессивликни ошириш, эмоционаллик ва таъсирчанликни кучайтириш каби стилистик мақсадларда қўлланади. Алтернатив сўроқ ҳақида рус тилшуноси А.А. Стрелцов ўзининг “Сўроқ категориясига уч ёндашув” номли мақоласида айрим умумий маълумотларни бериб ўтган [4,45]. Ўзбек тилшунослигида бу масала В.Абдураҳмонов томонидан ўрганилган. Муаллиф *кетасизми, қоласизми?* типидаги қурилмаларни альтернатив сўроқ гаплар сифатида кўрсатади [5. 27].

Алтернатив сўроқ поэтик нутқда эмоционал экспрессивликни ошириш учун хизмат қилади. Бунда ё, ёки айирув боғловчилари сўроқ ифодаланган нарса-ҳодисаларни ажратиб кўрсатиш, алоҳида логик урғу бериш мақсадида қўлланилади, мана шундай ҳолатларда полисиндетон ва альтернатив сўроқ конвергенцияси юзага келади:*Айта оласизми юртнинг дардини?*

Азалий одатни қиласизми ё
Ялпи қўл кўтариб келасизми ё?

(Э.Воҳидов)

Келтирилган мисолда ҳам икки альтернатив сўроқдаги таъсирни кучайтириш мақсадида муаллиф томонидан боғловчининг такроран қўлланиши кузатилади.

Маълумки, гапда модаллик феълнинг майл формалари, кириш (модал) сўзлар, гап оҳанги ва бошқа воситалар орқали намоён бўлади ҳамда нутқ муаллифининг жумла мазмунига бўлган

муносабатини ифода этиш учун хизмат қилиди. Алтернатив сўроқ гапларда модаллик логик урғу ва ўзига хос сўроқ оҳанги ёрдамида юзага чиқарилади [6,187]. Бунда логик урғу нутқ муаллифининг коммуникатив мақсади ва қўйилаётган икки ёки ундан ортиқ фараздан қайси бирининг жавоби сўзловчи учун муҳим бўлса, ўша фараз ёки сўроқни ифода этувчи бўлакка тушади ва алоҳида таъкидланган урғу ва ўзига хос сўроқ оҳанги билан айтилади. Бундай ҳолатларда полисиндетон ҳодисасининг альтернатив сўроқ таркибида қўлланилиши нутқнинг таъсирчанлигини ошириш билан бирга, муаллифнинг стилистик ва бадиий-эстетик мақсадини тўла намоён бўлиши учун хизмат қилади:

Ё тонгда бир гўзал чиқдими сувга?
Нигоҳинг тушди ё кўзи оҳуга? (Э.Воҳидов)

Бу нутқ парчасида ҳам конвергенциянинг ёрқин намунасини кўришимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, полисиндетон ва альтернатив сўроқ конвергенцияси натижасидафикр динамикаси тезлашади, нутқнинг семантик майдони кенгаяди, нутқда оҳангдорлик ҳосил қилинади, синтактик қурилмаларнинг қисмлари ўзаро семантик ва синтактик уйғунликда бирикади [7,52], нутқнинг ички ритми ва фоносемантикаси кучаяди. Шу билан бирга, бадиий ёки поэтик нутқдаги ҳиссий-таъсирийлик, образлилик, экспрессивлик юқори даражага кўтарилади.

Адабиётлар:

1. Москвин В. П. Стилистика русского языка: Приёмы и средства выразительной и образной речи (общая классификация): Пособие для студентов. Волгоград: Учитель, 2000. – С 198.

2. ДжубаеваФ.И. Гармония поэтического текста А.С. Пушкина. Ставрополь – 2008, – С 256.

3. Сильман Т.Н. Синтаксико-стилистические особенности повторов – Вопросы языкознания, 1967, № 2, стр. 68-74.

4. Стрелцов А.А. Три подхода к категории вопросительности // Вестник ПНИПУ. Проблемы языкознания а педагогики № 3, 2017, 43-57 стр.

5. Абдураҳмонов В.А. Альтернатив сўроқ гапларнинг семантик-структур ва функционал тадқиқи. Фил. фан. б. фалс. доктори дисс. Фарғона, 2023, - Б 137.

6. Abdupattoev M.T.The role of occasional units ni the formation of the avtors’s ideological stile. // INTERNATIONAL BULLETIN OF APPLIED

SCIENCE AND TECHNOLOGY. IBAST | 2023. Volume 3, Issue 8, August P 186-190. https://doi.org/10.5281/zenodo.8278262

7. Abdupattoev M.T.Functional Units of Poetic Speech // Modern Journal of Social Sciences and Humanities. ISSN: 2795-4846. Volume 9 (Oct-2022) P 50-5